

Вақт қиличдир...



20:30 / 24.01.2019 2640

Имом Ибн Қаййум «Жавабул кафий лиман саъала ан даваиш шафий» китобида қуйидагиларни айтган: «Фикрларнинг энг олийси, энг буюги ва энг манфаатлиси Аллоҳ ва охират учун бўлгандир. Аллоҳ учун фикрлашнинг бир қанча навлари бор... бешинчи нав: вақтнинг вожиби ва вазифаси ҳақида фикрлаш ҳамда бутун диққат-эътиборини унга қаратишдир. Буни билган киши ўз вақтини ғанимат билиши аниқ. Чунки у вақтни зое қилган бўлади. Зеро, барча манфаатлар вақтдан келиб чиқади. Кимки вақтни зое қилса, ҳеч қачон унинг жойини тўлдиролмайди!».

Имом Шофеъий роҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Мен сўфийлар билан бирга юриб, улардан икки сўзни ифода қилдим:

1. Вақт қиличдир, агар сен уни кесмасанг, у сени кесади.
2. Нафсингни агар ҳақ билан машғул қилмасанг, у сени ботил билан машғул қилади».

Инсоннинг вақти аслида унинг умри бўлиб, доимий неъматдаги абадий ҳаётининг ёки аламли азобдаги танг ҳаётининг асосидир. У булутлардан ҳам тезроқ ўтиб кетади. Кимники вақти Аллоҳ учун ва Аллоҳ зикри билан ўтган бўлса, ўша вақт унинг ҳаёти ва умридир. Ундан бошқа нарса билан ўтган вақт эса, агарчи узундан-узоқ яшаган бўлса ҳам, унинг ҳақиқий ҳаёти ҳисобланмайди. Чунки у ҳайвонлар каби яшабди. Зеро, киши ўз вақтини ғафлат, шаҳват ва ботил орзулар билан ўтказганидан кўра, уйқу

ва бекорчиликда ўтказгани яхшироқ бўлиб қолади.

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан